

Istiqlol imkoniyatlari

Кассация институти - суд қарорларининг асосли, адолатли ва қонунийлигини таъминлашнинг муҳим мезони

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этишнинг таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ қилингани, хусусан, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар туфайли инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлиги ошди. Судларнинг жинсий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши билан бир қаторда, суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари жорий этилгани ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Маълумки, амалдаги "Судлар тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, қонуний кучга кирмаган суд қарорлари устидан келиб тушган шикоят, протестларни кўриб чиқувчи апелляция инстанцияси жорий этилди. Айни пайтда кассация тартибида иш юритиш, яъни қонуний кучга кирган суд қарорлари устидан келиб тушган шикоят ва протестлар асосида ишни юқори инстанцияда кўриш тартиби белгиланди.

Кассация инстанциясининг энг муҳим вазифаси — кўрилган ишлар бўйича биринчи босқич судлари томонидан йўл қўйилган моддий ёки процессуал қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида тузатишдан иборатдир. Бунда иш қайтадан тўлиғича, мазмунан кўрилмасдан, фақат шикоят қилинган қисми бўйича моддий ва процессуал ҳуқуқий меъёрларнинг тўғри татбиқ этилгани текширилади.

Айтиш керакки, Фуқаролик процессуал кодексининг 348¹, 348^{1б}-моддаларига мувофиқ, қонуний кучга кирган ва апелляция тартибида кўрилмаган суднинг ҳал қилув қарор ва ажримлари устидан улар чиқарилган кундан эътиборан бир йиллик муддат ичида берилган шикоят ва келтирилган протестлар кассация инстанцияси судларида кўрилади.

Кассация тартибида берилган шикоят ва келтирилган протестлар тегишли инстанция суди номига ёзилса-да, ҳал қилув қарори чиқарилган судга тақдим қилиниши белгиланган.

Биринчи инстанция суди кассация шикояти ёки протестини қабул қилиб олгач, Фуқаролик процессуал кодексининг 325, 348^б-моддаларида белгиланган процессуал ҳаракатларни амалга ошириб, кассация шикояти ёки протести келиб тушган кундан эътиборан

Йигирма кунлик муддат ичида ишни шикоят ёки протест билан бирга кассация инстанцияси судига юборди.

Агар биринчи инстанция суди мазкур кодекснинг 348⁵-моддасига биноан, кассация шикояти бериш ёки протести келтиришда ушбу Кодекснинг 348³- ва 348⁴-моддалари талаблари бузилишига йўл қўйилганлигини ёки давлат божи тўлашдан озод қилинмаган шахс шикоят берганлик учун бож тўламаган бўлса, кассация шикояти ёки протестини ҳаракатсиз қолдиради. Бу ҳақда судья ажрим чиқариб, унда шикоят ёки протестнинг ҳаракатсиз қолдирилишига асос бўлган камчиликлар ва уларни тузатиш учун берилган муддатни кўрсатади.

Агар шикоят берган ёки протест келтирган шахс ажримда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда тузатса, шикоят ёки протест дастлаб судга тақдим этилган кунда берилган ҳисобланади.

Кассация инстанцияси суди Фуқаролик процессуал кодексининг 348¹²-моддасига асосан кассация шикояти ёки протести берилган ишни у келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқади. Ишни кассация инстанциясида кўриш муддати узайтирилган тақдирда, ишда иштирок этувчи шахслар иш кўриладиган кун ҳақида олдиндан хабардор қилиниши лозим.

Кассация инстанцияси суди ушбу кодекснинг 348¹⁵-моддасига мувофиқ, ишни кассация тартибида кўриб чиққач, ўз ажрими билан:

- ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга, шикоят ёки протестни эса, қаноатлантirmасликка;

- ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ёхуд бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори чиқаришга;

- ушбу кодекс 314-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ҳамда ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборишга;

- ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ҳамда ушбу кодекснинг 97 ва 100-моддаларида кўрсатилган асосларга кўра, иш юритишни тугатишга ёхуд аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли.

Ушбу институтнинг қонунчилигимизга жорий қилиниши суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари ҳар томонлама сифатли ва адолатли бўлишини таъминлашга ҳамда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг тўғри татбиқ қилинишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишига янада самарали хизмат қилмоқда.

Хусусан, фуқаролик ишларини кассация инстанциясида кўришда судлар иш ҳолатлари ҳамда берилган шикоят ва келтирилган протест важларини ҳар томонлама қонуний ва адолатли баҳолаб, биринчи инстанция судлари томонидан тўпланган далил ва ҳужжатлар билан чегараланмайди. Бунда қонунда белгиланган ваколатлар доирасида ишнинг ҳақиқий ҳолати тўлиқ аниқланганлиги, тарафларнинг барча важлари холисона ва тўлиқ текширилганлиги, иш учун аҳамиятга эга бўлган далилларга тегишли ҳуқуқий баҳо берилганлиги, ҳал қилув қарорларидаги хулосалар ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқлиги, моддий ва процессуал қонун нормаларига қай даражада амал қилинганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган йил давомида фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти ва туманлараро судлари томонидан биринчи инстанцияда жами кўрилган ишлар сони 15 минг 300 тани ташкил этган. Шундан 222 та фуқаролик иши келтирилган шикоят ва протестлар асосида кассация инстанцияси судида кўрилган бўлиб, шундан 44 та ҳал қилув қарори бекор қилинган ҳамда 8 та ҳал қилув қарори ўзгартирилган ва 141 таси эса, ўзгаришсиз қолдирилган.

Масалан, судга даъвогар Ё.Умарова (исм-шарифлар ўзгартирилган) А.Ражабов ва Б. Ҳайдаровага нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарларни низоли уйдан кўчиришни сўраган.

Ўз навбатида, жавобгар А.Ражабов даъвогар Ё.Умарова ва бошқаларга нисбатан нотариал идорада 2014 йил 3 мартда низоли уй юзасидан расмийлаштирилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраб, қарши даъво билан мурожаат қилган. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогар Ё.Умарованинг даъвоси қаноатланирилган ва жавобгар А.Ражабовнинг қарши даъвоси рад қилинган. Суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлган жавобгар А.Ражабов кассация шикояти ҳамда туман прокурори кассация протести келтирган. Вилоят суди кассация инстанцияси томонидан Фуқаролик процессуал кодексининг 348¹³-моддасига мувофиқ, суднинг ҳал қилув қарори қонуний, асосли ва адолатли экани кассация шикояти ва протестдаги важлар ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар доирасида текширилди. Яъни биринчи

инстанция суди ишни ҳал қилишда низоли уйнинг мулкдорларини тўлиқ аниқламагани ва уларни ишга жалб қилмагани ҳамда моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаганини аниқлаб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилди. Ишни янгидан бошқа суд таркибида кўриш учун туман судига юбориш лозим, деган тўхтамга келди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ўтган даврда фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди. Ушбу кафолатлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш бўйича кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Пировардида қуйи судлар томонидан йўл қўйилган хатоликларни ўз вақтида бартараф этиш, бузилган ҳуқуқ ва манфаатларни тиклаш имкони кенгайди. Бу, ўз навбатида, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омилidir.

Азамат ИКРОМОВ, фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг раиси вазифасини бажарувчи